

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№-94**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Bekobod davlat o'rmon xo'jaligi "mahsulot yetkazib beruvchi" va Toshkent davlat o'rmon xo'jaligi "Sotib oluvchi" o'rtasida mahsulot yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma .

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan san'a haqidagi ma'lumot; Shartnoma loyihasi Toshkent davlat o'rmon xo'jaligi tomonidan 2022 yil 31 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyihani rasmiylashtirishda, O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 364,366-moddalari, shuningdek, O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi talablariga rioya qilingan, yetkazib beriladigan mahsulot (Qayrag'och, Kashtan, Eman, Yong'oq) miqdori, narxi 37 200 000 (o'ttiz yetti million ikki yuz ming) so'm, hisob-kitoblar, tomonlarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartiblari qayd etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**J.Mavlonov**

# МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 1/04

2022 йил "7" февраль

Бекобод тумани.

Кейинги ўринларда "Товар етказиб берувчи-сотувчи" деб аталадиган Бекобод давлат ўрмон хўжалигининг раҳбари F. Одилов бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб аталадиган Тошкент давлат ўрмон хўжалиги номидан раҳбар М. Позилов иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартноманинг туздилар:

## I. Шартнома предмети.

1.1. Шартномада товар деб номланувчи Тошкент давлат ўрмон хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилган кучатлар иккала тараф ўртасида тузилаётган шартноманинг предмети хисобланади.

## 1.2. ШАРТНОМАНИНГ СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

№	Товарнинг номи	Учков бирлиги	Микдори	Бирлик баҳоси	Суммаси
1	Туя (шарк)	дона	7440	5000	37200000
ЖАМИ:			7440		37 200 000

Шартноманинг умумий киймати Уттиз етти миллион икки юз минг сумни ташкил киради. ККС сиз.

1.3. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ва ҳар бири бир хил кучга эга. Шартноманинг амал килиши муддати 31 декабр 2022 йилгача килиб белгиланди.

## II. Товарларни етказиб бериш тартиби

2.1. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш Сотиб олувчининг транспортида амалга оширилади.

2.2. Сотиб олувчи етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул килишини рад этишга ҳакли эмас.

2.3. Сотиб олувчи шартномага мувофик етказиб берилган товарларнинг қабул килишини таъминлайдиган барча зарур харакатларни амалга ошириши лозим.

Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дархол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлик камчиликлар аникланган тақдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишда хабардор килиши лозим.

## III. Шартнома тарафларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

### 3.1. Сотувчининг хуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вактида қабул килиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган заарларнинг копланишини талаб килиш.

Сотиб олувчи конун хужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул килиб олмаган ёки товарни рад этган холларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб килишга ҳакли.

### 3.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- товарни сотиб олувчига мулк килиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган микдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;

- учинчи шахсларнинг ҳар қандай хукукларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;
- товарни сотиб оловчига топширгунга қадар саклаш.

### 3.3. Сотиб оловчинга хукуқлари:

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк килиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган микдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг хукукларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш.

### 3.4. Сотиб оловчинга мажбуриятлари:

- сотиб олган товар ҳакини 30 % ни олдиндан тўлаб бериши керак ва қолган 70 % тўловни тегишли счет фактурага асосан тўлайди;
- товарни ўз вақтида қабул килиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни коплаш.

Сотиб оловчи шартноманинг товарлар микдори, сифати тўғрисидаги шартлари бузилганлиги хақида сотувчига ўн кун муддат ичидаги маълум килиши шарт.

## III. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Агар сотиб оловчига унинг талабига кўра сотиш жойида дархол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишини кўрсатишни талаб қилиш хукуки таъминланмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб килишга, агар шартнома тузишган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳакли.

Сотиб оловчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб оловчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб оловчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавобгар бўлади.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб оловчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум килинмаган бўлса, сотиб оловчи ўз хошишга кўра:

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишини ёки сотиб оловчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун килинган ҳаражатлар копланишини;

кўрилган зарар ўринини коплаган ҳолда шартнома бекор қилининини талаб қилиш хукукига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб оловчига қайтариш вактда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдалангандиги, товар кўринниши йўқолгандиги ёки бошка шунга ўхшаш холатлар туфайли товар киймати канча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб колишга ҳакли эмас.

4.3. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган такдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод килмайди.

4.4. Агарда сотиб оловчи шартноманинг товарлар микдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги хақида сотувчига ўн кун муддат ичидаги маълум килмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.5. Товарларни тўлиқ етказиб бермаганлик ёки етказиб бериш муддатларини кечикириб юборганлик учун неустойка пеня шаклида ундирилади. Бунда пенянинг микдори ҳар бир етказиб берилмаган ёки етказиб бериш муддатлари бузилган товарлар умумий

суммасининг 1(бир) % (фоизи) миқдорида мажбурият амалда бажарилгунита қадар ундирилади.

4.6. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқм ёки қисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Шартномани бузиш кўйидаги ҳолларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб оловчи учун макбул муддатда бартараф килиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериши;

4.7. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор килиш ёки ўзгартиришининг бошка муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошка тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бир тарафлама бош тортиш тўгрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгартирилган ёки бекор килинган ҳисобланади.

#### IV. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири; товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиши, сотиб оловчи эгалигида сув тегиши натижасида товарнинг ёмон ҳолатга келиши ва бошка ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

#### Тарафларнинг реквизитлари

**СОТУВЧИ:** Бекобод давлат ўрмон  
хўжалиги

Манзил: Бекобод тумани Бунёдкор МФЙ-4  
Молия вазирлиги газначилиги  
х/р: 234 020 003 001 000 010 10  
Банк: ХККМ МБ бош бошкар. Тошкент ш.,  
МФО:00014; ИНН:201122919;  
х/р:400 121 860 272 207 042 203 142 001  
ИНН:200556283; ОКЕД:31100

**СОТИБ ОЛУВЧИ:** Тошкентдавлат ўрмон  
хўжалиги

Манзил.Тошкент вилояти Пискент  
тумани А. Темур 57 уй  
Молия Вазирлиги Газначилиги  
Банк:ХККМ МБ Бош бошкар. Тошкент ш.  
МФО: 00014 СТИР: 201122919.  
ШХР:400121860272507042203142001  
СТИР: 200663214 ОКЕД: 02100

Рахбари: М.Позилов

Рахбари Г.Одилов  
Имзо:  
Мухр:

